

**УДК: 504.5**

**Турсунов Х.Т., г.ф.н., доцент**

**Тасболов М.М.**

**2-курс магистранти**

**Тошкент вилоят Чирчик Давлат**

**педагогика университети**

## **ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ**

### **МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Аннотация:** Қаттиқ майший чиқиндилар(КМЧ)ни бошқариш масалалари Ўзбекистон мисолида кўриб чиқилган. КМЧлар билан боғлиқ экологик муаммолар, улардан фойдаланиш, жойлаштириш муаммолари ва ҳал қилиш истиқболлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** қаттиқ майший чиқиндилар, бошқариш, иккиламчи хом ашё, утилизация, экологик хавфсизлик.

**Tursunov X.T., c.g.s., associate professor**

**Tasbovov M.M.**

**2 year masters student**

**Chirchik State Pedagogical  
University of Tashkent region**

## **PROBLEMS AND PROSPECTS OF SOLID HOUSEHOLD WASTE**

### **MANAGEMENT**

**Annotation:** Solid household waste (SHW) management issues are revised on the example of Uzbekistan. Ecological problems linked with SHW, problems of their use, placement and prospect for their solution were analyzed.

**Key words:** solid household waste, management, secondary raw materials, disposal, ecological safety.

**Кириш.** 2022 йил охирига келиб дунё аҳолиси 8 миллиарддан ошди. Шахарлар аҳолиси сонининг ортиши-урбанизация ва турмуш даражасининг

ўсиши натижасида чиқиндиарнинг ортиб бориши глобал, регионал ва маҳаллий миқёсларда экологик хавфсизликка жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда тезкор ўсиб бораётган аҳоли сони 36 миллиондан ортди ва эҳтиёжларининг ортиши, истеъмолчилик психологиясининг кучайиб бориши мавжуд экологик муаммоларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Мамлакатимизда ҚМЧлар иккиламчи хом ашёнинг аҳамиятли манбаи ҳисобланади, уларни утилизацияси, хавфсиз жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси учун чиқиндиilar муаммоси биринчи навбатда ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган устувор масалалардан ҳисобланади. Иссик иқлим шароитида чиқиндиilar аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдирадиган, ҳаво, ер усти ва ер ости сувлар, тупроқларни ифлослайдиган манба ҳисобланади, муаммони оптимал ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш шу куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Дунё бўйича чиқиндиардан иккиламчи фойдаланиш, жойлаштириш ва экологик хавсизликни таъминлаш аҳоли саломатлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан энг долзарб, устувор масалалар қаторига киради. Халқаро меъёрлар бўйича сутка давомида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҚМЧлар миқдори килограмларда ҳисобланади. ҚМЧларнинг кунлик миқдори тури мамлакатларда фарқланади. Индустрисал ривожланган АҚШ, Германия, Франция, Англия, Япония каби мамлакатларда аҳоли жон бошига ўртacha 2.5 кг ҚМЧ тўғри келади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1.2 кг ни ташкил этади[1]. Мамлакатимизда ҚМЧларнинг ҳосил бўлиши кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улардан кўпроқ аҳамиятга эгалари аҳоли даромади, истеъмолчиларнинг ҳатти-харакати, савдода янги қадоқланган маҳсулотларнинг кескин ортиб кетиши ва аҳли сонининг кўпайиб бориши ҳисобланади.

Чиқиндилар экологик хавфсизликка ва фуқаролар соғлигига таҳдид соловчи жиддий муаммога айланган. Улар атроф-мухитга, хусусан ер ресурслари, ер усти ва ости сувлари, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаш муҳити, атроф-мухитнинг бошқа объектларига салбий таъсир кўрсатади. Республикадаги чиқинди полигонлари ва норасмий чиқиндиҳоналар қишлоқ хўжалигида, уй-жой қурилишида, рекреация ёки соғломлаштириш масканлари, туризм учун фойдаланса бўладиган минглаб гектар ер участкаларини эгаллаган, атроф-мухитни заарли газлар, ер усти ва ер ости сувларини санитар нормалардан юкори даражада ифлослайдиган манбага айланган.

Ўзбекистонда қаттиқ майший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш йиллик хажми 14-14.5 млн. тоннани ташкил қиласди ва прогноз бўйича 2028 йилга бориб ҚМЧлар микдори 16-16.7 млн. тоннага этиши мумкин[2, 5].

Ўзбекистонда ҳосил бўладиган ҚМЧлар ўртача таркиби 1-жадвалда келтирилган. ҚМЧларни саралаб алоҳида йиғиш иккиламчи хом ашёлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

### **1-жадвал**

#### **Ўзбекистонда ҳосил бўладиган ҚМЧлар таркиби(Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумоти, 2018 йил)[4]**

<b>Чиқиндилар</b>	<b>Фоиз ҳисобида</b>
Озиқ-овқат чиқиндилари	27.53
Боғдорчилик чиқиндилари	12.91
Қоғоз ва картон	3.22
Симобли лампалар, тиббиёт ва симсиз қурилмалар	0.29
Шиша	4.62
Пластмасса	7.91
Металлар	1.38
Қурилиш чиқиндилари	3.32

Текстиль	3.28
Тери, резина, суклар	2.29
Ёғоч чиқиндили	1.42
Бошқа чиқиндилиар	30.83

ҚМЧдан фойдаланиш, қайта ишлаш муаммоси экологик жиҳатлардан ташқари катта иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. ҚМЧ иккиламчи хом ашё манбай ҳисобланади, уларни қайта ишлаш табиий ресурсларни тежаб қолишга имкон бериши, шунингдек, янги ишчи ўринларни яратилишини таъминлаган ҳолда ижтимоий муаммоларни ечиши мумкин. Мамлакатимизда ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар асосан йирик шаҳарларда қониқарли бўлиб, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли учун мазкур хизматларнинг йўқлиги ёки етарли даражада эмаслиги билан ажралиб туради. Тошкент ва айрим вилоят марказларида ҚМЧларни бошқариш жараёни тартибга солинган, лекин чиқиндилиарни жойлаштириш, қайта ишлаш, утилизация қилишда анчагина камчиликлар бор.

Ўзбекистондаги ҚМЧлар чиқиндиҳоналари бўйича маълумот 2-жадвалда берилган.

## 2-жадвал

### Ўзбекистондаги ҚМЧ чиқиндиҳоналари(Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотлари бўйича), 2017 йил., сони[4]

Маъмурий бирликлар	Қонуний чиқиндиҳоналар	Ноқонуний чиқиндиҳоналар	Бошқалар*
Қоракалпоғистон Республикаси	17	12	804
Андижон вилояти	15	29	1865
Бухоро вилояти	15	26	1137
Жizzах вилояти	10	250	...
Қашқадарё вилояти	16	141	1384
Навоий вилояти	9	10	695

Наманган вилояти	12	96	1786
Самарқанд вилояти	15	86	2502
Сурхондарё вилояти	18	12	1613
Сирдарё вилояти	12	83	498
Тошкент вилояти	23	96	2358
Фарғона вилояти	15	15	2091
Хоразм вилояти	9	75	1217
Жами	186	931	17950

Изоҳ: \*тасдиқланмаган

Жадвалда келтирилган маълумотлар чиқиндилар соҳасида мамлакатда долзарб муаммолар борлигидан далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, полигонларнинг аксарияти СанПиН № 006-96 талаблари, лойиҳалаштириш ва фойдаланиш инструкциялари талабаларига жавоб бермайди. Санитар-гигеник талаблар нуқтаи-назардан ноқонуний ва бошқа чиқиндиҳоналар сонининг ортиб кетганлиги аҳоли саломатлиги ва табий муҳит компонентлари сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумотларга кўра 2018 йилда 15,7 млн дан ортиқ киши ёки аҳоли умумий сонининг 53 фоизи ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари билан қамраб олинган эди ва ҳозирда унинг миқёси ва хажмлари ортиб бормоқда.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига республика ҳудудида 2,8 мингдан ортиқ чиқинди тўплаш шоҳобчалари ва турли мулкчилик шаклидаги ташкилотларга тегишли бўлган 221 та полигон фаолият юритган. Шуни таъкидлаш лозимки чиқинди полигонлари санитар нормалар талабига жавоб бермайди, йигирмадан ортиқ полигонлар тўлиб кетган бўлса ҳам чиқиндилар ташлаш давом этмоқда. 2019 йилда республика ҳудудида умумий қуввати йилига 894 минг тонна ҚМЧни қайта ишлайдиган 183 та корхона, шу жумладан 72 та полимер плёнка ва пластмассани, 65 та қофоз ва картон буюмларини, 17 та шина ва резинотехника буюмларини, 10 та металлни, 6 та шишани, 2 та мой

ва текстилни, 11 та бошқа чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари мавжуд бўлган[2].

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда чиқиндиларни бартараф этиш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият изчил амалга ошириб борилмоқда. 2002 йили “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонун[6], 2007 йили Ўзбекистон Республикасида Чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Харакат режаси қабул қилинди[8]. 2019 йили “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида Қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.04.2019 йил № 4291-сон Қарори қабул қилинди. Бу йўналишда катта ишлар амалга оширилди, донорларнинг кредит маблағлари жалб қилинди, мавжуд инфраструктурани ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Лекин “Ковид-19” пандемияси, шу жумладан, чиқиндилар бўйича 2019-2022 йилларга режалаштирилган ишларни тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилди.

Ҳозирга келиб республикада чиқиндиларни ўртacha 15-20 фоизи қайта ишланмоқда ва бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади ва амалга оширилган харакатларга мутаносиб эмас. Замонавий техник қурилмалар, автомобиллар ишлатилган эҳтиёт қисмлари, батарейкалар ва бошқаларда симоб, қўргошин, кадмий, бериллий, литий каби хавфли кимёвий бирикмалар мавжуд. Улар тупроқда тўпланиши, ер ости сувларини ифлослаб атроф муҳит вв инсон саломатлигига таъсир қўрсатади. Шунинг учун уларни алоҳида тўплаш ва утилизация қилиш зарурдир. Ўзбекистонда ишга яроксиз майший техникаларнинг чиқиндилари 45 минг тоннадан ортиғи тўпланиб қолган ва бу масала ўз ечимини талаб қиласди. Савдо дўконлари ва ишлаб чиқарувчилар бу масала бўйича маълум сайди-

харакатларни амалга оширмоқдалар, лекин бу масалани аҳолининг фаол иштирокисиз ижобий ҳал қилиб бўлмайди.

Мамлакатимизда яқин келажакда ҚМЧларни тўплаш бўйича хизматлар миқёсини 95 фоизгача ошириш, уларни қайта ишлаш хажмини 40 фоизга етказиш, хусусий секторни бу соҳадаги улушкини 50 фоизгача ошириш масаласи қўйилган[5]. Бу мақсадларда чиқиндилардан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича аҳамиятли фаолият олиб борилмоқда[7].

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, ҚМЧ муаммоси мамлакатимиздаги давлат, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли иштирокида ҳал қилиниши бўлган долзарб муаммолардан хисобланади. ҚМЧлар муаммосини самарали ҳал этиш борасида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб хисоблаймиз:

-ҚМЧлар соҳасидаги Қонуний хужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- мамлакатдаги санитар тозалаш инфраструктурасини янада ривожлантириш;

-халқаро тажриба асосида ҚМЧларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини шакллантириш;

-ҚМЧларни бошқариш соҳасида мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

-санитар ва экологик нормаларга жавоб берадиган полигонларни ташкил қилиш ва талабга жавоб бермайдиганларини ёпиш ҳамда рекультивация қилиш;

-тадбиркорлик субъектлари-санитар тозалаш корхоналари учун амалда зарур имтиёзларни бериш;

-КМЧ объектларидан муқобил энергияси манбаси сифатида фойдаланишни таъминлаш;

-аҳолини КМЧларни бошқариш соҳасидаги билимларини ва иштирокини ошириш ва бошқалар.

Ушбу ва хукумат томонидан КМЧларни самарали бошқариш соҳасидаги чора-тадбирлари Ўзбекистонда чиқиндиларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига таъсирини камайтиради, иккиламчи хом ашё манбаларидан унумли фойдаланиш ва муқобил энергия олиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Артыков Ж.К., Мусаев М.Н. Пути использования твердых бытовых и промышленных отходов города с целью получения ценных продуктов.-Т.://Экологические проблемы города Ташкента. Материалы научно-теоретического семинара. Ташкент., 5 мая 2011 года.-2011. 6-9 стр.
2. “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ миший чиқиндилар билан боғлик ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.04.2019 йил № 4291-сон Қарори.-  
<https://lex.uz/ru/docs/4291729>
3. “О первоочередных мерах по реформированию системы организации обращения с отходами”//Указ Президента Республики Узбекистан от 11.08.2022 г. № УП-1890. <https://lex.uz/uz/docs/6154708>
4. 3-й обзор результативности экологической деятельности. Узбекистан. Организация Объединенных Наций. Женева.-2020 год., 245 стр.
5. Переработку бытовых отходов поручено довести до 40%.- 03.02.2022- <https://www.gazeta.uz/ru/2022/02/03/recycling/>
6. “Чиқиндилар тўғрисида”ги Конун. 2002 йил.- <https://lex.uz/acts/42423>

7. “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни такил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 11.08.2022 йил ПФ-189-сон. <https://lex.uz/uz/docs/6154708>
8. Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Харакат режаси.-Т.:,-2007.-44 бет.